

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2024 йил “29” апрелдаги
6/24 - сон йиғилиш баёнига
13 - илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва
ҳақ тўлаш қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Ижроия органи

Тошкент 2024 йил

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби.
- III. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг асосий вазифалари
- IV. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби
- V. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- VI. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги
- VII. Яқунловчи қоидалар

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармониغا, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорига, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитасининг (кейинги ўринларларда – Қўмита) ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилайди.
2. Қўмита Жамият Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш)нинг қарори билан ташкил этилади ва доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади.

II. Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби.

3. Қўмита аъзолари Кенгашнинг учтадан кам бўлмаган бироқ, тоқ сонли аъзоларидан ташкил топади. Қўмита таркибига камида 1 (бир) нафар Кенгашнинг мустақил аъзоси киритилиши шарт.
Қўмитанинг таркиби Кенгаш қарори билан тасдиқланади.
Қўмитанинг кўпчилик аъзолари Жамиятга алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кенгашдаги аъзолиги мустасно.
Қўмитанинг раиси Кенгашнинг раиси бўлмаслиги лозим.
Қўмитанинг аъзолари олий маълумотга эга бўлиши, қўмитанинг вазифаларини бажариш ва ваколатларини амалга ошириш салоҳиятига эга бўлиши лозим.
Қўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.
4. Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати Кенгашнинг қарори билан белгиланади.
Кенгаш Қўмита таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига асосан Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатини белгилаш ҳуқуқига эга.
Агар Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати Кенгашнинг қарори билан белгиланмаган бўлса, Қўмита аъзоларининг ваколатларини амалга ошириш учун бу муддат Кенгаш аъзоси сифатидаги ваколоти муддатига қадар

амал килади, Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

Қўмита аъзосининг ўз илтимоси (аризаси)га биноан;

Қўмита аъзосининг Кенгаш аъзоси сифатида ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

Кенгашнинг қарорига мувофиқ Қўмита аъзосининг ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

Кенгашнинг янги таркиби сайланиши муносабати билан.

Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши Кенгаш қарори билан расмийлаштирилади.

III. Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитасининг асосий вазифалари

5. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Кенгаш ҳамда Қўмитанинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ривожланиши бўйича қарорларини Жамият томонидан ижро этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари лавозимига номзодлар бўйича Кенгашга тавсияларни шакллантириш;

Кенгашга сайланадиган номзодлар бўйича тавсияларни шакллантириш;

Қўмитага маълум бўлган барча ахборотлар асосида Кенгаш аъзолигига номзоди кўрсатилган шахсларнинг касбий малакаси ва мустақиллигини таҳлил қилиш;

Кенгаш ва унинг қўмиталари иши тартиботларини такомиллаштиришга нисбатан тавсиялар ишлаб чиқиш;

Кенгаш аъзоларини ва Кенгаш қўмиталарини ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташқи баҳолаш бўйича ҳар йили расмийлаштирилган тартиботни ўтказиш, Жамиятнинг йиллик ҳисоботига киритиш учун ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташқи баҳоланиш натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;

Жамиятнинг ижроия органи фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

Кенгаш муҳокамасига киритилишидан аввал Жамиятнинг ташкилий тузилмасини кўриб чиқиш;

агарда Кенгаши томонидан ушбу вазифа юклатилган бўлса, Кенгаш ва Жамиятнинг ижроия органи ходимларининг йил якунлари бўйича фаолиятини дастлабки баҳолашдан ўтказиш;

Кенгаш аъзолари, Ижроия органи ва бошқа мансабдор шахсларни мукофотлаш тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор қилиниши устидан назорат олиб бориш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларига киритиш учун Қўмита фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва Кенгашга тақдим этиш;

Кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

IV. Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

6. Қўмитанинг мажлиси Қўмита раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Қўмитанинг аъзоларининг талабига кўра, шунингдек, Жамият ижроия органи раҳбарининг ёзма талабига кўра чақирилади.

7. Қўмита ҳар чорак якунига кўра, зарур бўлганда ҳар ойда, қўмита аъзоларининг шахсан иштирокида ёки бошқа алоқа тармоқларидан фойдаланиш йўли билан ўз мажлисларини ўтказиб туриши лозим. Қўмита Жамиятнинг ижроия органи ва бошқа шахсларни Қўмита мажлисларига қатнашиш учун таклиф қилиши, шунингдек зарур бўлганда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.

8. Қўмита аъзолари муайян масаланинг кечиктирилмай ҳал этилишини талаб қиладиган қоидабузилишлар аниқланган тақдирда Қўмитанинг шошилиш мажлисини чақирилишини талаб қилишлари мумкин.

9. Қўмита ўз мажлисларини Кенгаш мажлисларидан олдин ўтказиши мумкин.

10. Қўмитанинг раиси Қўмита мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратди. Қўмитанинг аъзолари Қўмита мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.

11. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда Қўмита раиси иштирок этиши шарт.

12. Қўмитанинг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13. Қўмитанинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг келган тақдирда, Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қўмитанинг қарорига розилик билдирмаган Қўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда мажлис баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ва уни Кенгаш эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга.

14. Қўмитанинг қарори Қўмита мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома Қўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда иштирок этган Қўмита аъзолари томонидан имзоланади.

15. Қўмита мажлисларига котиблик қилиш вазифасини Жамиятнинг кадрлар бўйича хизматининг раҳбари бажаради.

16. Қўмитанинг раиси:

Қўмитанинг ишини ташкил этиш;

Қўмита мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилиш;

Қўмита мажлисларида баённома юритилишини ташкил этиш;

Жамият директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича меҳнат

шартномасини тузиш ва имзолаш;

Жамият директориға меҳнат таътили ва бошқа таътилар бериш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Жамият ички меъёрий ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

17. Қўмитанинг котиби:

Қўмита мажлислари баённомаларини юритади ва расмийлаштиради;

Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қилади;

Қўмитанинг қарорларини, хулосаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказди.

18. Қўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, Жамият ижроия органи ва бошқа мансабдор шахслари учун ижро этиш мажбурийдир. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида бажарилишига шахсан жавобгардирлар. Қўмита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

V. Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси аъзоларининг

ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Қўмитанинг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият ижро органи ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун керакли барча ҳужжатларни ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш;

агар Жамиятга жиддий моддий зарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, Ижроия органи мажлиси чақирилишини талаб қилиш;

Жамиятнинг Ижроия органидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;

айбдор ходимларни интизомий, мулкӣй ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

Жамиятнинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш;

Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, Қўмита мажлисларида иштирок этиш мақсадида зарур бўлган ҳолатларда Қўмита раиси қарори билан Жамиятнинг раҳбар шахсларини, Кенгашнинг бошқа аъзоларини даврий ёки мунтазам равишда тақлиф этиш;

Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилишига зарур бўлса, Қўмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, Кенгашнинг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

Қўмита мажлисида муҳокама қилинадиган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар,

қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Кенгаш томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ва Кенгаш муҳокамасига киритиш;

Қўмита мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш.

20. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Низом, Жамият Устави ва ички ҳужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юритиш;

Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда махфийлик талабларини бажариш.

21. Қўмитанинг аъзолари Қўмита мажлисида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса, Қўмита аъзоси сабабларини кўрсатган ҳолда Қўмитани бу ҳақда хабардор қилади.

VI. Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги

22. Қўмитанинг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

23. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Қўмитанинг аъзолари жавобгар бўлмайди.

VII. Яқунловчи қоидалар

24. Мазкур Низом Кенгаш томонидан тасдиқланган санадан кучга киради.

25. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Кенгаш томонидан тасдиқланади.